

# JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

VOLUME II | ISSUE 3 | MARCH-APRIL | 2024

ISSN: 2181-4031



Available online at [www.imfaktor.com](http://www.imfaktor.com)

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3-4 СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ- II, НОМЕР-3-4

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-3-4

ТОШКЕНТ – 2024

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 3-4 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2024-3-4>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

1. Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
2. Ходжаметова Гулчира Илишевна – тарих фанлари номзоди, профессор
3. Ҳайдаров Ўрал Ахмадович – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент
4. Мусаев Джамалиддин Камалович – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент
5. Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б
6. Узакова Зарина Фуркатовна – социология ф.б.ф.д (PhD), доцент
7. Мамадияров Дилшод Уралович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
8. Тўраев Шавкат Нишонович – фалсафа фанлари номзоди, доцент
9. Бердиева Гулмира Аминовна – тарих фанлари номзоди
10. Гаипов Жасур Бахром ўғли – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)
11. Сохибова Лола Жонибоевна – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
12. Шарипов Дилшод Бахшиллоевич – сиёсатшунос, эксперт
13. Содиржонов Мухриддин  
Махамадаминович – социология ф.б.ф.д (PhD)
14. Саттаров Дилшод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент
15. Турақулов Акмалжон Анварович – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
16. Каримов Бозарқул Худдайбердиевич – фалсафа фанлари номзоди

*“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.*

*Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор” кўрсаткичига эга.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар хорижий мақолалар сифатида тан олинади.*

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

**Телефон номер:** +99894-410 11 55, **E-mail:** [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2024 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

**САМАДОВ Турсунбой Адхамжонович**

*Наманган давлат университети*

*мустақил тадқиқотчиси*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10935895>

## ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ЖАМИЯТИДА ОИЛА ИНСОН КАПИТАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада инсон капитали оила муносабатлари, оиладаги ташқи ва ички муносабатлар, тарбиялаштириш ва таълим, соҳа ва маҳоратлар, меҳнат тажрибаси ва бошқа факторлар орқали оширилади. Инсон капиталининг таркибий қисмларини ривожлантиришга қаратилган оила ва оилавий муносабатлар ҳақида хулоса ва таклифлар баён этилди. Бундан ташқари, замонавий ўзбек жамиятида оила инсон капитали ривожлантиришнинг омили сифатида айнан нималарга эътибор беришимиз ва айни дамда нималарга эътибор бермаслигимиз ҳақида ҳам мулоҳазалар қилишга ҳаракат қилганмиз. Зеро оила ҳамма нарсадан устун.

**Калит сўзлар:** инсон капитали, оила, маҳалла, социал алоқа, инновация, инвестиция, ижтимоийлашув, оптималлашув, таълим-тарбия, маданият, саломатлик, салоҳият, демография.

## СЕМЬЯ КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В СОВРЕМЕННОМ УЗБЕКСКОМ ОБЩЕСТВЕ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье человеческий капитал увеличивается за счет семейных отношений, внешних и внутренних связей в семье, воспитания и образования, сфер деятельности и навыков, трудового опыта и других факторов. Были изложены выводы и предложения по семье и семейным отношениям, направленные на развитие составляющих человеческого капитала. Кроме того, в современном узбекском обществе мы также попытались прокомментировать, на что именно мы обращаем внимание, а на что нет, как на фактор развития человеческого капитала семьи. Нулевая семья превыше всего.

**Ключевые слова:** человеческий капитал, семья, соседство, социальная коммуникация, инновации, инвестиции, социализация, оптимизация, образование, культура, здравоохранение, потенциал, демография.

## FAMILY AS A FACTOR IN THE DEVELOPMENT OF HUMAN CAPITAL IN MODERN UZBEK SOCIETY

### ANNOTATION

In this article, human capital is increased through family relations, external and internal relations in the family, upbringing and education, fields and skills, labor experience and other factors. Conclusions and proposals on family and family relations aimed at the development of the components of human capital were outlined. In addition, in modern Uzbek society, we have also tried to make comments about what exactly we pay attention to and what we do not pay attention to at the same time as a factor in the development of family human capital. Zero family is above all else.

**Keywords:** Human Capital, family, neighborhood, social communication, innovation, investment, socialization, optimization, education, culture, health, capacity, demography.

Оила – ҳар бир оила ижтимоий муносабатларни ўзига хос тарзда акс эттиради. Оиланинг болага таъсири специфик, ўзига хос бўлгани учун, унинг маънавий-ахлоқий қиёфасининг шаклланиши ҳам ўзига хос ва такрорланмасдир. Ижтимоий капитал ва ресурслар манбаларининг вужудга келишида оиланинг роли бекиёсдир. Оилада ота-онанинг салоҳияти орқали оиланинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини реализация қилиш билан босқичма-босқич бўлади. Ўз навбатида соғлом оила ва фарзандлар давлат учун инвестиция ҳисобланади. Оила фаровонлиги моддий фаровонлик билан бир вақтда, оила аъзолари ва фарзандларнинг саломатлиги, ижтимоий турмуш тарзининг соғломлиги, тинчлиги билан белгиланади [9].

Микро даражанинг асосий омили ҳам оила бўлиб, бирламчи ўзаро ижтимоий муносабатларнинг асосий элементиدير. Жамиятнинг ушбу бўлагида бола ижтимоий муносабатларнинг бошланғич кўникмалари, шу жумладан, оилада этник-маданий меъёрлар тизими, хулқ-атвор одатлари капитал сифатида шаклланади. Тадқиқот маълумотларидан маълумки, оилада инсон капитали “социализатор” сифатида таълим ва тарбия муассасаларининг онга таъсирида устунлик қилади. Агар оила ва мактаб турли хил кадриятлар ҳамда стереотиплар тизимини тарқатган бўлса, бу рақобатда оила ютиб чиқади, чунки оиладаги тарбия узлуксиздир ва нафақат онгли, балки онгсиз даражада ҳам амалга оширилади [10, Б.76-80].

Оила инсон капитали ривожланишини асосий қатнашишчилардан бири ҳисобланади. Инсонлар оилаларда тарбия ва ўзлаштириш орқали инсон капиталини яратиш, уни ривожлантириш ва ундан фойдаланишни ўрганишади.

Оилада инсон капитали ривожланиши учун кейинги асосий омиллари мавжуд:

Таълим – Оилаларда таълим муҳим рол ўйнайди. Оилалар болаларга таълим олиш мақсадида муҳим амалларни аниқлашади. Таълим олган болаларда маълумот, хунармандлик ва маълумотлилик даражалари кўтарилади. Уларнинг адабийот, илмий ва амалий билимлари инсон капиталини ривожлантиришга катта ҳисса билан ўрнатилади.

Саломатлик – Оилада саломатликни сақлаш ҳам катта муҳимликни ҳам олади. Саломатликни сақлаш учун оилалар болаларга мағлубият, мавжуд беморликларни такомиллаштириш, ҳамда озод эришиш манбалари таъминлайди.

Социал муносабатлар – Оилада болалар социал муносабатларни ўрганишади. Улар оилада ўз қариндошлари, яқинлари ва яқинлари билан мулоқотларни такомиллаштиради. Бу социал муносабатлар инсонлар орасидаги меҳрибонлик, эшитиш, нафақа ҳисоблаш, таъинлаш ва кечиримни талаб қилишни ўрганишга ёрдам беради.

Адолат ва барқарорлик – Оилада адолат ва барқарорлик муҳим марказий муносабатларга асосланади. Оилада ҳар бир аъзо ёшар ҳуқуқларига эга бўлиши керак. Адолатли бўлишни ўрганиш, ҳуқуқий, этик, меҳрибонлик ва бошқа муносабатларни ўрганиш оилада инсон капиталини ривожлантиришни таъминлайди.

Суҳбат ҳамкорлиги – Оилада мулоқотлар, суҳбатлар ва ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилди. Масалан, ота-оналар болалар билан мулоқотлар орқали муносабатларни такомиллаштиради. Бу оилада инсонларнинг муносабузуны турибди, оила инсон капиталининг ривожланишини таъминлаш учун болаларнинг таълим олиниши, саломатликни сақлаш, социал муносабатларни ўрганиш, адолат ва барқарорлик, суҳбат ҳамкорлиги каби асосий муносабатларга эътибор беради. Бу асосий факторлар оиладаги инсон капиталини ривожлантиришга ёрдам беради ва болаларни яхши тарбиялашни ва қайтарар этишни мақсад қилади.

Мамлакатимизнинг ижтимоий сиёсатида инсон саломатлигини мустаҳкамлаш йўналтирилган инвестициялар келгусида давлатнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларига юқори даражада таъсири жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган.

Демографик асосга қурилган капиталнинг асосий тузилмаси ҳисобланган соғлиқни сақлаш ёки саломатлик компоненти узок йиллар давомида сифатли тиббиёт ёрдамида жисмоний ва ақлий меҳнат қобилиятини сақлаб қолиш учун ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқада шаклланган кадриятлар тизимига айланиб борди. Айниқса, 2020 йилнинг март ойидан дунё бўйича COVID–19 туфайли эълон қилинган пандемия шароитида сиҳат-саломатлик бутун инсоният учун биринчи рақамли кадрият сифатида инсон капиталини ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш инсон капиталининг таркибий қисми сифатида адабиётга назарий жиҳатдан ҳам, амалий нуқтаи назар билан ҳам катта қизиқиш уйғотди. Агар анъанавий равишда инсон капитали фуқаронинг таълим ва малакасига боғлиқ бўлса, яқинда у соғлиқни сақлаш омилларини қамраб оладиган кенгроқ тушунчага эга бўлади. Инсон капиталининг ошиб бориши аҳолининг соғлиғига инвестиция киритиш орқали такомиллашиши ҳақида 60-йилларда амаерикалик олим Т.В.Шулт (1963) [3] ва S.J.Мушкин (1962) [4] томонидан илгари сурилган ва М.Гроссманнинг (1972) дастлабки ишларидан сўнг аниқроқ аҳамиятга эга бўлди. Дарҳақиқат, Гроссман (1972)[5] биринчи навбатда ушбу масалани аниқ кўриб чиқди. Ушбу муаллифнинг фикрига кўра, ишчининг саломатлик даражаси қанча юқори бўлса, маҳсулот исҳаб чиқаришда муҳим рўл ўйнайди деб таъкидлаб ўтган.

С.Воронина талқинидаги инсон капитали тушунчасига кўра аҳолининг соғлиқ даражаси айниқса муҳим масала бўлиб, у ҳар қандай мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосини ташкил этади. Айнан аҳолининг соғлиқ даражаси инсон капиталини шакллантиради [6, Б.141], дея таъкидлайди.

И.В. Илинский инсон капитали таълим капитали, соғлиқ капитали ва маданият капиталида иборат деб ҳисоблайди [7, Б.127].

Инсон капитали тушунчаси бугунги кунга келиб фақатгина иқтисодиёт ёки ишлаб чиқаришда эмас, балки, мамлакатдаги ҳар бир фуқаронинг индивидуал хусусиятлари саломатлик, таълим, қобилияти ва истеъдодлари, ортирган малака ҳамда тажрибалари, ижтимоий, психологик, дунёқараш ва одамларнинг ижтимоий-маданий хусусиятларида, шунингдек унинг таркибий тузулишида нафақат моддий, балки маънавий таркибни ҳам англаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Соғлом инсонларда касаллик туфайли иш жойида бўлмаслик ҳолатлари кам учрайди ва натижада иш унумдорлиги ошиб, ишлаб чиқариш рейтинги кўтарилди. Шу нуқтаи назардан, саломатик даражаси таълим билан бевосита боғланган инсон капиталининг муҳим қисми деб баҳолайди. Жисмоний капитал сингари, саломатлик капитали ҳам вақт ўтган сари ўз қимматини йўқотади аммо инсонлар саломатликларини яхшилаш учун инвестиция кирита оладилар.

Инсон капиталининг аҳамиятини бир нечта турли усулларга асосан баҳолаш мумкин. Анъанага кўра, иқтисодчилар буни кўпроқ таълим олган одамларнинг даромади билан ҳисоблашади. Тадқиқотлар ҳар бир кўшимча таълим йили инсон даромадини ўртача 10 фоизга оширишини кўрсатди. Таълимга киритиладиган сармоялар ҳам жамиятда ижтимоий тенгсизликни камайтириши мумкин.

Аксарият мамлакатларда нисбатан ўзига тўқ оилаларда туғилган фарзандлар болаликдан оқ кенг имкониятлардан фойдаланишни бошлайди ва бу бутун умри давомида қатор афзалликларга олиб келади, аксинча, ночорроқ оилалар фарзандлари бундай имкониятлардан фойдалана олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: ... ахборот – коммуникация соҳасидаги охириги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишга, уларни китоб билан дўст бўлишга, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунинг учун, аввало, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ва уларни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор беришимиз муҳим аҳамият касб этади” [1, Б.86-87] деб таъкидлайди.

Респондентларнинг инсон капиталининг асосини ташкил этувчи таълим соҳасига инвестиция қилиш даражасининг таҳлили қуйидаги хулосалар ва натижаларга келинди. Бугунги кунда шахс ва оила миқёсда таълимга эътибор қаратилмоқда. Аксарият респондентлар 70,9% олий таълимнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтишди. Шунини таъкидлаш жоизки, олий таълимни олишнинг муҳим бир шартларидан бири сифатида оилавий имкониятларнинг етарлигидандир.

Таълим тизими замонавий жамиятда ўзини самарали оқлайдиган социал капитал сифатида эътироф этилади ва унга сарфланган ҳар қанча молиявий ҳаражат узок муддатни эгалласада, келтирилган натижалар тўла-тўқис ўзини оқлаши маълум бўлди.

Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилди. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади [3, Б.224].

Шу нуқтаи назардан таълимга йўналтирилган инвестициялар нафақат мамлакатни ривожлантиришнинг муҳим усули, инсон капитали ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини яхшилашга қаратилган ижтимоий сиёсатдир. Бунинг натижасида инсон капиталини такомиллаштириб моддий фаровонлик ва соғлом турмуш тарзига эришилади. Шунини таъкидлаш керакки, инсон капитали ҳар бир инсоннинг индивидуал капитал шаклидир. Инсон қобилиятлари, билимлари, кўникмалари ва тажрибаси ҳар бир ёш фуқаронинг шахсий мулки ҳисобланади [8].

Ўтказган тадқиқотдан натижалари, олий маълумотли респондентлар инсон капиталига инвестиция қилишга кўпроқ имкониятга ва майилга эга эканликлари маълум бўлди. Олий таълимнинг инсон капиталига қайтма таъсири юқори бўлиши аниқланди. Иқтисодий қайтимдан ташқари, турмуш фаровонлиги ва мамлакат ижтимоий, сиёсий ҳаёти таъсири беқиёсдир.

Тадқиқот давомида инсон капиталини ривожланиш манбалари ва омилларини унинг ички ва ташқи даражаси юзасидан кенгроқ ўрганиш натижалари кўрсатмоқдаки, инсон капиталига оила даражасидаги инвестицияларга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, инсон капиталининг барча таркибий қисмлари оила ўз фарзандига киритадиган инвестициялар орқали шакллантирилади ва кўпайтирилади. Инсоннинг интеллектуал ва психофизиологик қобилиятларини оилада ривожлантириш унинг келгусида камол этиши ва инсон капитали мунтазам такомиллашиб боришининг пойдеворидир. Бу орада эса, юртимизда “Оила жамият ва давлат ҳимоясида” конституциявий принципи асосида тадрижий итлоҳотлар амалга оширилмоқда.

Инсон капиталининг яакка шахс миқёсида олиб қараганда асосий инвестори – мазкур капитал эгасининг ўзидир. Инсон капиталига инвестиция киритиш ишонч даражасини ҳам оширади. Ўқимишли инсонлар бошқаларга кўпроқ ишонади, ишонч даражаси баланд бўлган жамият одатда нисбатан юқори иқтисодий ўсишга эришади. Мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш соҳасини оптималлаштириш натижасида янги ижтимоий муҳит, янги маънавий ва ахлоқий қадриятларга асосланган инсон капитали шаклланди.

**REFERENCES. ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ.**

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Тошкент: O'zbekiston, – 2021. – Б.224.
3. Schultz T.W. The Economic Value of Education. New York: Columbia University Press. 1963.
4. Mushkin S.J. Health as an Investment // J. of Political Economy. 1962. Vol. 70. N 5. Pt. 2. Investment in Human Beings.
5. Grossman M. On the concept of health capital and the demand for health / M. Grossman // Journal of Political Economy. - 1972. - Vol. 80, Feb.
6. Coleman J. Social capital in the creation of human capital // American Journal of Sociology. 1988. Vol. 94. P. 95-121.
7. Сикевич З.В. Социальная психология этнических отношений. СПб.: Изд-во С.-Петербур. ун-та, 2008.
8. Содиржонов М. М. Инсон капитали ривожланиш жараёнларининг этносоциологик хусусиятлари (Фарғона водийси мисолида). Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2022. – Б. 43.
9. Содиржонов М. Инсон капитали ривожини шахсининг онги, билими, ахлоқ-одоби, дунёкарашига боғлиқ." //Янги Ўзбекистон" газетаси. – 2022. – Т. 10.
10. Содиржонов М. Inson kapitali rivojlanishida–oila “sotsializator” sifatida //in Library. – 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 76-80.

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3-4 СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР-3-4

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-3-4

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)